

Режапов Х.Х.

Андижон машинасозлик институти
“ИЧБЛМ” кафедраси ассистенти,
мустақил тадқиқотчи

ОЛИЙ ТАЪЛИМНИ МОЛИЯЛАШТИРИШНИНГ ХОРИЖИЙ ТАЖРИБАЛАРИ

Олий таълимнинг мақсади республикамизнинг ижтимоий-иқтисодий ва маданий ривожини таъминлашга, ўзи танлаган мутахассислик бўйича бозор иқтисодиёти шароитида мустақил ишлашга лаёқатли, юқори малакали рақобатбардош кадрларни тайёрлашдан иборатдир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов олий таълимни молиялаштириш самарадорлигини оширишнинг аҳамиятига тўхталиб, таълим муассасаларини халқаро андозалар асосида ривожлантириш, унинг моддий-техник базасини мустаҳкамлашнинг долзарб вазифалар эканлигини алоҳида таъкидлагандилар¹.

Шунга кўра Юртбошимиз И.А.Каримов таъкидлаганидек, «Олий ўқув юртини ислоҳ қилаётганда, уларнинг бошқа давлатлардаги олий ўқув юртлари билан алоқасини мустаҳкамлаш зарур»². Қолаверса, таълим жараёнида ўз қобиғимизга ўралиб қолгандан кўра, хориж тажрибаларидан хабардор бўлиш давлатга фақат фойда келтиради, ўқимишли кадрларни интеллектуал салоҳияни янада юқсалтиришга хизмат қиласди.

Хорижий давлатларда олий таълимни молиялаштириш самарадорлигини ошириш борасида бой тажриба тўпланган. Уларни ўрганиш, умумлаштириш ва Ўзбекистон амалиётида ижодий фойдаланиш имкониятларини баҳолаш мухим аҳамият касб этади.

Тараққий этган мамлакатларда университетлар асосан уч манбадан молиялаштирилайди:

- давлат грантлари;
- студентлардан таълим учун олинадиган тўлов суммаси;

1 Каримов И.А. 2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил йил бўлади. – Тошкент: Ўзбекистон, 2012. - Б. 17.

2 Баркамол авлод - Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. Президент Ислом Каримовнинг биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси IX сессиясида сўзлаган нуқти.

– тижорат фаолиятидан олинган даромадлар.

Франция ва Германияда олий таълимни бозор таъсирига қарам бўлиб қолишини олдини олиш мақсадида давлат бюджети маблағлари ҳисобидан олий таълим харжатларининг асосий қисми қопланади. Давлат таълим жараёнини ҳар тарафлама назорат қилиб боради.

Қўйидаги расмдаги маълумотлар тараққий этган мамлакатларда олий таълимни молиялаштириш манбаларининг таркибини кўрсатади.


1-расм маълумотларидан кўринадики, Франция ва Германияда олий таълимни молиялаштириш манбаларининг умумий ҳажмида давлатнинг улуши сезиларли даражада юқоридирир. Бу эса, давлатнинг олиб бораётган ижтимоий сиёсатида олий таълимни моҳияти ва бу соҳани бозор муносабатлари таъсирига қарам бўлиб қолишининг олдини олиш билан изоҳланади.

Америка таълим тизимида давлат ва хусусий мактаблар, энг яхши ва ўртача университетларда таълим сифати кескин фарқ қилади³. Бошланғич мактабларда ўқувчиларнинг билим даражасига нисбатан соддалаштирилган талаблар уларнинг билим олишига қараб ортиб боради. Бошланғич мактабларда қўпроқ турли ижтимоий фанлар ўқитилса, ўрта мактабларда ўқишни ихтисослаштириш

3 Воссенштейн, Ханс. «Финансовое направление: тенденции финансирования высшего образования и политический курс в ситуации ограниченных средств». Университетское управление. 2003. № 3(26). С. 51-60.

1-расм.

Тараққий этган мамлакатларда олий таълимни молиялаштириш манбаларининг умумий ҳажмида давлат маблағларининг улуши (01.01. 2011 й.), фоизда¹



учун кенг имконият яратилган. Америка моде- лида олий ўқув юртларининг таълим мазмун- моҳиятини белгилашда мустақиллик даражаси юқори. Бу жараёнда давлат бошқарув ор- ганлари деярли иштирок этмайди.

Ҳар икки асосий тизимда табақалаш- тириш ва ихтисослаштириш таълим самара- дорлигининг умумий ҳамда асосий восита- си ҳисобланади. Америкада ўқувчиларнинг муайян фан ва касбга қизиқиши, қобилият ва иқтидори, аралаш қизиқиши бўйича гуруҳларга бўлиш синаб кўрилмоқда. Бу АҚШ, Англия, Германия, Франция, Италия, Канада ва бошқа мамлакатларда асосий ёндашувга айланган. Ушбу жараёнларга инсон ва жами- ятни ривожлантиришнинг муҳим шарти си- фатида қаралади.

АҚШ ва Канадада олий ўқув юртла- ри тижорат фаолияти билан шуғулланишини яхши йўлга қўйганларни сабабли, давлат маблағларининг олий таълимни молиялаш- тириш манбаларининг умумий ҳажмидаги салмоғи паст.

АҚШда олий ўқув юртлари бешта манба- дан молиялаштирилади:

- федерал бюджет, штатлар бюджети ва маҳаллий ҳукуматлар бюджетларидан ажра- тиладиган маблағлар;
- студентларнинг таълим учун тўловлари;
- олий ўқув юртларининг тижорат фаолия- тидан оладиган даромадлари;

- хайрия шаклида берилган маблағлар;
- маҳсус фондлардаги жамғармалардан олинган фоизлар.

АҚШда олий таълимни молиялашти- риша эндаумент инвестиция фондла- ри маблағларидан фойдаланиш кенг йўлга қўйилган. (Endowment Fund of National Universiti of Sciense and technology "MISIS"). Эндаумент- инвестиция фонди бўлиб, ундан тушган фойда хайрия учун йўналтирилган ва солиқлардан озод этилган бўлади. Ушбу ре- сурс капитали университетнинг узоқ муддат- ли молиявий барқарорлигини таъминлайди. Жаҳондаги энг қадимий эндаумент Гарвард университети эндаumentи бўлиб, ўзининг би- ринчи бадалини битирувчилардан 1649 йил- да ер учусткаси кўринишида олган. Инвести- ция активларини бошқаришдан олинган да- ромаддан ўқитувчи ва тадқиқотчиларга ой- лик маошлари, талабаларга стипендия ва уни- верситет кутубхонасини, музейларни молия- лаштиришга йўналтирилади². Бу фондга хай- рия, мулкларни меъросга олиш, фонд таъсис- чиларини доимий ва бир марталик бадалла- ри ва бошқа манбалардан даромад келиб ту- шади. Ушбу фонд фаолиятидан олинган даро- мадлар хайрия мақсадларига, яъни ўқитувчи ва тадқиқотчиларнинг ойлик маошига, тала- баларга стипендия беришга, университет ку- тубхонаси ва музейларни молиялаштиришга йўналтирилади.


АҚШда эндаумент инвестиция фонди маблағларининг миқдори бўйича Гарвард

¹ Захидова Ш.Ш. Олий таълим хизматлари бозорининг амал қилиш механизми самарадорлигини ошириш (Ўзбекистон материаллари асосида). И.ф.н. илм. дар. ол. уч. тақд. эт. дисс. автореф. – Тошкент, 2012. - Б. 18.

² Экономический словарь. Под.ред. А.Н. Азри- лияна – 2-е изд.- М., Институт новой экономики, 2008.-С.1116.

2-расм.

Гарвард университетини молиялаштириш манбаларининг таркиби, фоизда
(2011 йилнинг 1 январь ҳолатига)¹



институти биринчи ўринда туради. 2010 йилда Гарвард институтининг эндаумент фонди 25,9 млрд. АҚШ долларини ташкил қилди. Бу вақтда яна бир етакчи олий ўқув юрти ҳисобланган Массачусетс технология институтининг эндаумент фонди 9,7 млрд. АҚШ долларини ташкил қилди².

АҚШда битирувчиларнинг маблағлари эндаумент фондлари маблағларининг ярмигача бўлган қисмини ташкил этади. Буннинг сабаби шундаки, эндаумент фондининг маблағларини юқори бадаллар ҳисобига шакллантириб бўлмайди.

Эндаумент фондининг маблағларидан фойдаланиш самарадорлигини таъминлашда улардан олинган фойдани солиқ тўловидан озод қилингани мухим ўрин тутади. Ушбу солиқ имтиёзини бериш икки омилга асосланади. Биринчи омил фуқароларнинг фондга ўтказаётган бадалларини солиқقا тортилган даромад эканлиги бўлса, иккинчи омил олинган фойдани хайрия мақсадларига йўналтирилиши ҳисобланади.

Қуйидаги расм маълумотлари орқали Гарвард институти фаолиятини молиялаштириш манбаларининг таркибини кўриб чиқамиз.

2-расм маълумотларидан кўринадики, АҚШнинг Гарвард университетини молиялаштириш манбаларининг таркибида салмоғига кўра биринчи ўринни пуллик таълимдан тушган маблағлар эгаллайди. Эндаументнинг ҳам салмоғи юқори бўлиб, таҳлил қилинган са-

нада 38 фоизни ташкил қилди. Бу эса, эндаументни ривожланганигидан далолат беради.

Кўпгина мамлакатларда Давлат бюджети дефицити муаммоси мавжуд бўлганлиги сабабли бюджет харажатларини қисқартириш сиёсати давом эттирилмоқда. Бу эса, ўз навбатида, олий таълимни давлат томонидан молиялаштириш ҳажми ва динамикасига таъсир кўрсатади.

Сўнгги йилларда дунёнинг кўплаб мамлакатларида олий таълимни молиялаштиришга ажратилган давлат маблағларининг қисқариши юз берди. Ушбу қисқариш асосан икки сабаб билан изоҳланади:

1. Давлат бюджети дефицити даражасининг ортиши.

2. Олий таълимни молиялаштириш манбаларининг умумий ҳажмида давлат маблағларининг улуши қисқариши шарт, деган ғоянинг ҳукмрон бўлганлиги.

Олий таълимга ажратилган давлат маблағлари ҳажмининг қисқариши пуллик таълим ҳажмининг ошишига олиб келди. Хатто пуллик олий таълим мавжуд бўлмаган мамлакатларда (Хитой, Таиланд ва бошқ.) ҳам пуллик таълим жорий қилинди. Фақат Швеция ва Финландияда олий таълим тизимида пуллик тўловлар жорий этилмади. Чунки, мазкур мамлакатларда пуллик таълимни жорий этиш Конституция бўйича таъқиқланган³.

Пуллик таълимни жорий этилиши олий таълим муассасаларини молиялаштириш манбаларининг умумий ҳажмида давлат маблағлари салмоғининг янада қисқаришига,

1 Ўша ерда. Б. 18.

2 Захидова Ш.Ш. Олий таълим хизматлари бозорининг амал қилиш механизми самарадорлигини ошириш (Ўзбекистон материаллари асосида). И.ф.н. илм. дар. ол. уч. тақд. эт. дисс. автореф. – Тошкент, 2012. - Б. 18.

3 Д.Брюс Джонстоун. Сокращение финансирования высшего образования: стимулы и ограничения диверсификации доходов. 2002 год

студентлар тўлаётган пул маблағлари улушини эса, ошишига олиб келди.

Шуниси характерлики, тарақкий этган мамлакатларда олий таълимни молиялаштириш манбаларида давлат томонидан ажратилган маблағларнинг салмоғи юқоридир. Лекин ушбу мамлакатларда аҳолининг тўловга қобиллик даражаси юқори бўлганлиги сабабли студентларнинг таълим учун тўловлари миқдори катта бўлиб, ялпи ички маҳсулотнинг 2,0 фоизигача етади.

Олий таълим муассасаларининг харажатлари таркибида иш ҳақи харажатларининг салмоғи нисбатан юқори бўлиб, ушбу ҳолат, аввало, ушбу муассасаларни ўқув даргоҳи эканлиги билан изоҳланади.

АҚШ, Канада, Австралия ва Жанубий Африка Республикасида университетлар иш ҳақи белгилашда мустақилликка эгадир. Улар ишга қабул қилинаётган профессор-ўқитувчи билан иш ҳақи миқдорини келишиб оладилар. Шу сабабли, мазкур мамлакатларда профессор-ўқитувчиларнинг иш ҳақи миқдори университетлар бўйича сезиларли даражада фарқланади.

Франция ва Буюк Британияда профессор-ўқитувчиларнинг иш ҳақи ягона тариф сеткаси орқали белгиланади.

Япония ҳукуматининг таълимни молиялаштириш харажатлари мамлакат ялпи ички маҳсулотининг 5,5-6,0 фоизини ташкил этади. Ушбу кўрсаткич АҚШ, Франция, Буюк Британия давлатлариникуга нисбатан сезиларли даражада пастдир. Лекин шунга қарамасдан таълимнинг сифати бўйича япониялик студентлар бошқа мамлакатларнинг студентларидан юқори туради.

Японияда давлат университетлари асосан табиий ва инженерлик фанлари бўйича мутахассисларни тайёрлайди, гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий ихтисосликлар бўйича мутахассисларни хусусий олий ўқув юртлари тайёрлайди. Давлат тайёрлаш харажатлари юқори бўлган мутахассисликларни молиялаштиради.

Японияда давлат, таълим стандартларини ишлаб чиқиша, нодавлат олий ўқув юртларининг харажатларини минимал даражада бўлишини назарда тутади.

Хозирги даврда кўпчилик мамлакатларда олий ўқув юртларини молиялаштиришда студентлар ёки ўқитувчилар сони ва институционал самарадорлик ўртасидаги алоқадорликни акс эттирадиган формуладан фойдаланиммоқда. Аммо ҳозирга қадар бар-

ча мамлакатлар учун тўғри келадиган ва умузмэътироф этилган идеал формула мавжуд эмас. Шунинг учун давлатлар турли формулалардан фойдаланиммоқда. Масалан, Польшада олий таълимни молиялаштириш бўйича 1990-йилларда қўлланилган формулада асосий параметрлардан бири докторлик илмий даражасига эга бўлган ва университетда тўлиқ ставкада ишлайдиган ўқитувчиларнинг сони эди. Аммо ушбу формула университетда ярим ставкада ишлайдиган, аммо юқори малакага эга бўлган профессорларнинг меҳнатини ҳисобга олиш имконини бермайди.

Айrim мамлакатларда олий ўқув юртларида ижодий инвестицияларни молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида фондлар ташкил қилиниб, уларнинг маблағлари конкурс асосида тақсимланади. Бунда маблағлари тақсимлаш тартиби мамлакатлар бўйича бирбиридан фарқланади. Масалан, Аргентина ва Индонезияда ҳар бир факультет, кафедра ўзининг номидан таклиф билан чиқиши мумкин. Чилида давлат университетларига ҳам, хусусий университетларга ҳам конкурсада иштирок этиш ҳуқуқи берилган.

Олий таълим муассасаларини молиялаштириш жараёнидаги долзарб масалалардан бири – бу ижтимоий жиҳатдан ҳимояланмаган, яъни ночор студентларни молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ҳисобланади. Ушбу студентлар олий ўқув юртига кириш учун етарли даражада билимга эга, аммо ўқишига киргандан сўнг молиявий жиҳатдан қўйналиб қолишади. Шу сабабли, кўпчилик мамлакатларда иқтисодий аҳволи ночор бўлган студентларга давлат томонидан стипендиялар жорий қилинган. Масалан, Чилида давлат томонидан молиявий ёрдам дастури 28 минг студентни қамраб олган.

Бангладеш ва Мексикада шундай талаб мавжудки, унга кўра, хусусий олий ўқув юртлари студентларининг камида 5 фоизига стипендия беришлари лозим. Аммо давлат томонидан ажратиладиган маблағларнинг ҳажми чекланганлиги боис кам таъминланган студентларни давлат томонидан молиявий қўллаб-қувватлаш имконияти ҳам чекланган. Аммо ушбу масалани ҳал қилиш зарурлиги кўп холларда таъкидланади. Чунки, кам таъминланган, аммо иқтидорли студентларни молиявий қўллаб-қувватлаш келгусида мамлакат учун минглаб билимли кадрларни етказиб бериш имконини беради. Бу эса, мамлакатларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда муҳим роль ўйнайди.

2012 йил 8 июня Люксембург Олий таълим ва фан вазирлиги томонидан студентларга, улар 21 ёшга тўлиши билан давлат томонидан молиявий ёрдам ажратиш тартибини ўзгартириш бўйича қонун лойиҳаси эълон қилинди¹.

Янги қонун лойиҳасида Люксембургнинг ҳар бир студентига ҳар йили 12 минг евро миқдорида молиявий кўмак берилади. Бунинг учун студент Люксембургда камида 5 йил яшаган бўлиши, олий ўқув юрти студент бўлиши ва 18 ёшга тўлган бўлиши лозим. Ушбу сумманинг 50 фоизи пуллик нафақа шаклида берилади, қолган қисми эса, банк сусдаси сифатида берилади.

Албатта, юқорида қайд этилган масалаларнинг деярли аксарияти бугунги кунда бизда, тўлов шартнома асосида ўқиётган талабаларга кредит бериш тизими, олий таълим мұассасасида ўқиётган фарзандига ўтказилган

шартнома суммасидан жисмоний шахслардан даромад солиги ундирилмаслиги ҳал этилган. Хусусан, иқтисодиётимизда ижтимоий ҳимоялашнинг табақалаштирилган тизими яратилди, дотацияларнинг ҳар хил турлари ва нархлардаги фарқларни қоплаш учун маблағлар ажратиш деярли тутатилиш арафасида, моддий ишлаб чиқариш тармоқларини ривожлантиришга марказлаштирилган тарзда маблағ ажратиш кескин чекланган. Лекин, шу билан бирга, олдимизга қўйилган мақсад ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини шакллантириш экан, биз бюджет харажатларини амалга оширишда асло кечиктириб бўлмайдиган талаб-эҳтиёжларни, аввало, ижтимоий соҳани, янги таркибий йўналишларни маблағ билан таъминлаш учунгина фойдаланишимиз мақсадга мувофиқ деб биламиз.

Адабиётлар рўйхати:

1. Каримов И.А. 2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил йил бўлади. – Тошкент: Ўзбекистон, 2012. - Б. 17.
2. Каримов И.А. Баркамол авлод - Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. Президент Ислом Каримовнинг биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси IX сессиясида сўзлаган нуқти.
3. Д.Брюс Джонстоун Сокращение финансирования высшего образования: стимулы и ограничения диверификация доходов. 2002 год
4. Воссенштейн, Ханс. «Финансовое напряжение: тенденции финансирования высшего образования и политический курс в ситуации ограниченных средств». Университетское управление. 2003. № 3(26). С. 51-60.
5. Гончаров М.А. Основы менеджмента в образовании. Учебное пособие. М.: Кнорус. 2010. – 480 с.
6. Маликов Т., Ҳайдаров Н. Молия: умумдавлат молияси. - Т.: «IQTISOD-MOLIYA», 2009. – Б. 192.
7. Захидова Ш.Ш. Олий таълим хизматлари бозорининг амал қилиш механизми самарадорлигини ошириш (Ўзбекистон материаллари асосида). И.ф.н. илм. дар. ол. уч. тақд. эт. дисс. автореф. – Тошкент, 2012. - Б. 18.
8. Экономический словарь. Под.ред. А.Н. Азрилияна – 2-е изд.- М., Институт новой экономики, 2008.-С.1116.
9. www.del.icio.uz . сайти маълумотлари.
10. http://www.edu.uz – Ўзбекистон Республикаси таълим портали.

¹ www.del.icio.uz . сайти маълумотлари.